БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

ЎЗБЕКИСТОН КП МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН • № 284 (18.162). • 9 декабрь 1981 йил, чоршанба • Баҳоси 2 тийин.

РЕСПУБЛИКА ДАЛАЛАРИДА

НОРМАНИ ОШИРИБ БАЖАРАЕТИР

Қўрғонтепа районидаги Куйбишев номли совхозда механизатор Ғайрат Мамажоновга қизил вимпель ва пул мукофоти топширилди. У ҳар куни 8 гектар ерни шудгор қилмоқда. Бу нормадан анча кўп. Тракторчилардан Алимжон Сойибов ва Икром Рустамов ҳам пешқадамдан орқада қолмасликка ҳаракат қилмоқдалар.

Совхозда қишки дала ишларини ўтказиш учун комплекс отрядлар тузилди. Улар тез суръатлар билан ғўзапоя юлиб тупроқни гербецид моддалар билан ишламоқдалар, минерал ўғит ва органик ўғит солиб сўнг уни ҳайдамоқдалар.

— Совхозимиз далаларига 20 та ҳайдов трактори чиқарилди, — дейди хўжалик директори Турсунбой Мамажонов. Бу тракторлар икки сменалаб ишлайдиган экипажлар билан таъминланди. 2,5 минг гектардан иборат бутун майдонни декабрнинг иккинчи ўн кунлигида ҳайдаб бўлишга қарор қилинди. Механизаторлар учун яхши маиший шароитлар яратилди. Дам олиш хоналарида телевизор, радио, газета, уч маҳал иссиқ овқат ташкил этилган.

ДАЛАЛАР ЭКИШГА ТАЙЁРЛАНМОҚДА

Оққўрғон районининг механизаторлари юксак суръатлар билан органик ўғит тайёрлашга муваффақ бўлдилар. Кузги-қишки ишлар бошланиши билан чорвачилик фермаларидан 55 минг тонна ўғит чиқариб солинди. Бу графикка нисбатан анча кўпдир. Хўжаликларда махсус бригадалар тузилиб, улар трактор, погрузчиклар билан таъминланди. Оққўрғонликлар ориқ ерларга 60 тоннагача органик ўғит солмоқдалар.

(ЎзТАГ).

ИШЧИ ИБРАТИ

Намангандан хушхабар келди: КПСС XXVI съезднинг делегати Тўхтахон Тўрабоева [ўнгдаги сурат] бошлиқ бригада коллективи шаҳардаги тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмасида биринчи бўлиб ўн биринчи беш йиллик дастлабки йили топшириғини барвақт бажарди. Йил бошидан буён 57 минг дона болалар кўйлаги тикиб чиқарилди. Шунинг 2 минг донаси планга қўшимча тайёрланган. Уз ишининг моҳир устаси Т. Тўрабоева ўрта мактабни тамомлаб чиққан қизлардан бир неча нафарига тикувчилик касб-корининг нозик жиҳатларини сидқидилдан ўргатди. Мусобақада муттасил пешқадамлик қилиб келаётган чеварлар бригадаси аъзолари юксак социалистик мажбуриятларини ҳам бажариб бўлиб, йил охиригача яна 30 мингта юқори сифатли кўйлак тикиб чиқаришга аҳд қилдилар. Бу билан улар халқ истеъмол буюмлари ишлаб чиқаришни кўпайтиришдан иборат шарафли ишга муносиб ҳисса қўшяптилар.

Ун биринчи беш йиллик ишлаб чиқаришнинг янги қаҳрамонлари янгидан-янги отрядларини рўй-рост кўрсатиб бермоқда. Улар янги уй-жойлар қуриб бермоқдалар, кўмир қазиб чиқармоқдалар, пўлат эритаётирлар, такомиллашган машина ҳамда ускуналарни тайёрлаб беряптилар, юқори сифатли халқ истеъмол буюмлари тайёрлашда ибрат бўлмоқдалар. Улар орасида ўз касбини пухта ўзлаштириб олган новатор ишчилар, ташаббускорлар, ички резервлардан омилкорлик билан фойдаланаётган ишчилар юзлаб, минглаб саналади. Улар ишда тенгдошларига, касбдошларига ибрат кўрсатмоқдалар, шогирдларини ортларидан эргаштириб, партия XXVI съезди қарорларини амалга ошириш ишига баракали ҳисса қўшиш учун кураш ҳаракатида олдинги сафларда бормоқдалар.

«Ишчи — буюк меҳнаткаш, унинг чидами битмас-туганмас, у ўз ишини пухта билади ва уни яхши бажаришга одатланган, — деб таъкидлади ўртоқ Л. И. Брежнев яқиндагина эълон қилинган «Эсдаликлар» китобида. — У топқир, моҳир, зўр ақл ва ҳазил-мутойибага мойил инсон. У қатъиятли, дадил, дўстликка садоқатли, ҳар қандай пайтларда ўртоғига ёрдамга келишга шай турувчи инсон». Қурилиш майдонларида, корхоналаримизда, транспорт тармоқларида буюк меҳнаткашлик ва ҳар қандай пайтда ҳам ўртоғига ёрдам беришга тайёр турувчи бундай кишилар — ишчилар партия XXVI съезди ва КПСС Марказий Комитетининг ноябрь Пленуми қарорларини амалга ошириш учун кураш ҳаракатида жонбозлик кўрсатмоқдалар. Жамиятимизнинг етакчи кучи бўлган ишчилар синфи партиянинг халқ хўжалиги самарадорлигини ошириш, уни интенсивлашдан иборат ғоят муҳим йўл-йўриғини рўёбга чиқаришга бутун куч-ғайратларини сарфламоқдалар. Фан-техника тараққиётини жадаллаштириш, халқ хўжалигининг барча бўғинларида меҳнат унумдорлигини ўстириш, маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтириш ва унинг сифатини ошириш учун олиб борилаётган бунёдкорлик ҳаракатида мавжуд имкониятлардан мумкин қадар мукаммалроқ фойдаланишда кўплаб ишчилар ташаббускорлик кўрсатиб, белгиланган нормаларни ортда қолдирмоқдалар, тармоқ нормаларига тузатишлар киритаётирлар.

Шуни мамнуният билан таъкидлаш керакки, республикамиз индустриясининг жуда кўп ишчилари резервлардан оқилқорлик билан фойдаланишда шахсий намуна кўрсатаётирлар. Ўзбекистон ССР Енгил ва Озиқ-овқат саноати министрликларига қарашли корхоналарнинг ўнлаб ишчилари икки нормачилик ҳаракатининг ташаббускорлари сифатида майдонга чиқиб, бунёдкорлик ишларида жасорат кўрсатмоқдалар. Жиззах устки трикотаж фабрикасининг тўқувчиси Т. Ҳасанова, Сурхондарёдаги 177-Шўрчи автомобиль корхонасининг шофери Д. Маматқулов, Андижондаги Ленинск мотор ремонт заводининг токари Т. Жўраев, Қаршн тикувчилик фабрикасининг ишчиси Р. Иванушкина каби ишчилар бир беш йилликда икки беш йиллик шахсий норма бажариш юзасидан олган юксак социалистик мажбуриятларини шараф билан бажариш йўлида қаҳрамонона меҳнат қилмоқдалар. Улар ҳозирнинг ўзидаёқ ўн биринчи беш йилликнинг икки йили ҳажмида иш бажарганликлари ҳақида рапорт бердилар.

Янги беш йиллик планларини бажариш учун кураш чинакам умумхалқ ҳаракатига айланиб кетганлиги билан ҳақли равишда фахрланамиз. Халқ хўжалигининг салкам 4,3 миллион меҳнат аҳли социалистик мусобақада иштирок этмоқда. 2,7 миллион киши меҳнатга коммунистик муносабатда бўлиш ҳаракатида шахсий намуна кўрсатяпти. Салкам 1 миллион киши «Коммунистик меҳнат зарбдори» деган қутлуғ номга муяссар бўлди. 7 минг ишчи беш йилликда икки беш йиллик топшириғини бажариш учун курашувчилар сафида. СССР 60 йиллиги шарафига зарбдор вахтада туриб ишлаётганлардан 300 мингдан знёд меҳнаткаш шахсий йиллик планини муддатидан илгари бажариб қўнғанлиги диққатга сазовордир.

КПСС XXVI съезди, Ўзбекистон Компартиясининг XX съезди халқ хўжалигини интенсив ривожлантириш вазифасини қўйдики, бунда ишлаб чиқариш новаторларининг тажрибасини кенг ёйиш муҳим роль ўйнайди. Партия, совет, касаба союз ва комсомол ташкилотлари хўжалик органлари билан биргаликда ички имкониятлардан самарали фойдаланиш, тежамкорлик, ускуналар қувватидан унумли фойдаланиш соҳасида тўпланган тажрибаларни кенг ёйишларн, қолоқларни илғорларга тенглаштиришга имконият яратишлари зарур. Сир эмаски, баъзи қурилиш майдонларида бинокорлик материалларининг исроф бўлишига ҳамон йўл қўйилмоқда. Қатор саноат корхоналарида машина ҳамда ускуналарнинг бекор туриши каби ҳолларга ҳануз тўла барҳам берилмаган. Вазифа — социалистик мусобақа жараёнида юзага келган энг яхши ташаббусларни қўллаб-қувватлашдан, тажрибаларни умумлаштиришдан, натижаларни чуқур таҳлил этиб, йўл қўйилган камчиликларни бартараф қилишга қаратилган чора-тадбирларни зўр матонат билан амалга ошириб боришдан иборат. Бу ишда маҳаллий партия ташкилотлари хўжалик органларига яқиндан ёрдам беришга даъват этилганлар.

Олдинда янги масъулиятли вазифалар турибди. Бу вазифалар Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг яқинда бўлиб ўтган IV пленуми қарорларида, Ўзбекистон ССР Олий Советининг сессиясида қабул қилинган иқтисодий ва социал ривожланиш беш йиллик плани тўғрисидаги Қонунда ўз ифодасини топди. Мураккаб халқ хўжалиги проблемаларини ҳал этиш омманинг ижодий ғайрат-шижоатини энг кўп даражада оширишни, халқ хўжалигининг ҳар бир участкасида пухта ва бир мсъёрда иш олиб боришни тақозо этади. Беш йилликнинг тўғри йили тугалланишига саноқли ҳафталар қолмоқда. Белгиланган планлар, қабул қилинган юксак социалистик мажбуриятларни барча кўрсаткичлар бўйича муваффақиятли бажаришда, келгуси йилга пухта ҳозирлик кўришда ишчи коллективлари бундан буён ҳам ҳақиқий ибрат кўрсатаверишларига шак-шубҳа йўқ.



Суратда: Тўхтахон Тўрабоева.

ШОНЛИ ЮБИЛЕЙГА — МЕҲНАТ СОВҒАЛАРИ

Шу кунларда республикамизнинг барча меҳнат коллективлари СССР ташкил этилганлигининг 60 йиллигинн муносиб меҳнат совғалари билан кутиб олиш учун астойдил ҳаракат қилмоқдалар. Кўпгина коллективлар «СССР 60 йиллигига — 60 зарбдор ҳафта» шиори остида астойдил меҳнат қилишмоқда.

СЎЗИНИНГ УСТИДАН ЧИҚДИ

«Амубухараканалстрой» бошқармасининг экскаватор-машинисти Виктор Тренин бир йилда бир ярим йиллик топшириқни бажаришга аҳд қилган эди. У сўзининг устидан чиқди. В. Тренин муддатидан илгари ўз аҳдини бажарди. У Қизилқумдаги гидротехник иншоотлар қурилишида 20 йилдан бери қатнашиб келяпти. Ҳозирги пайтда у Амү—Бухоро машина каналини реконструкция қилишда актив қатнашяпти.

БРИГАДА ПУДРАТИ САМАРАСИ

Андижондаги «Облколхозстрой» трестининг Избоскандаги колхозлараро кўчма механизациялашган колоннаси коллективи йил охиригача пландан ташқари 400 минг сўмлик қурилиш-монтаж ишларини бажаришга аҳд қилди. Коллектив қурувчилари йиллик планни муддатидан илгари бажарган эдилар. Қурувчилар бу натижага Н. Злобиннинг бригада пудрати усулига ўтиб ишлаганликлари натижасида эришдилар. Зухриддин Масардинов, Олимжон Ҳожиматов, Аскарали Исроилов бошлиқ бригадаларнинг коллективлари бригада пудрати усулида ишлаб сменадаги нормаларни икки бараварга ўддаламоқдалар.

ТЕЖАМКОРЛАР

Гулистон нон заводининг коллективи тежалган ун ҳисобидан бир кун мобайнида нон-булка маҳсулотлари ишлаб чиқара олади. Бу ерда ҳом аше нобудгарчилигига тўлатўкис барҳам берилган. Тажрибали новвойлардан Тўлғаной Нурматова, Соня Узеирова, Иззат Низомова, Тургунбой Эргашев синтари пешқадамлар корхонада тежамкорлик намунасини кўрсатмоқдалар.

САМИМИЙ ВАЗИЯТДА

БУДАПЕШТ, 7 декабрь. (ТАСС махсус мухбирлари). Бугун парламент биносида КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзоси, СССР Министрлар Советининг Раиси Н. А. Тихонов шарафига ВСИП Марказий Комитети ва Венгрия ҳукумати номидан зиёфат берилди.

Зиёфат вақтида ВСИП Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзоси, ВХР Министрлар Советининг Раиси Д. Лазар билан Н. А. Тихонов дўстона қадаҳ кўтариб нутқ сўзладилар.

Д. Лазар ВСИП Марказий Комитети, ВХР ҳукумати ва бутун венгер халқи номидан Н. А. Тихоновни табриклади. Сизнинг визитингиз, деди у, муҳим воқеа бўлиб, халқларимиз ва мамлакатларимиз ўртасидаги, ВСИП билан КПСС ҳамда шахсан Я. Кадар билан Л. И. Брежнев ўртоқлар ўртасидаги муносабатларга хос бўлган қардошлик алоқалари самимий эканлигини яна бир бор таъкидлашимизга имкон беради. Биз Сизнинг визитингизни социализм қуратётган венгер халқига ҳурматнинг қувончли ифодаси ҳам деб биламиз. Биз аминмизки, бу визит халқларимиз ўртасидаги қардошлик алоқаларини мустаҳкамлашга қўшилган муҳим ҳисса бўлади, мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатларни ҳар томонлама ривожлантиришга кўмаклашади, халқлар тараққиёти, тинчлиги ва хавфсизлиги йўлидаги мушторак курашимизнинг самарадорлигини оширади.

Социалистик ҳамдўстлик мамлакатлари билан ва дастлаввал Совет Иттифоқи билан дўстлик ҳамда иттифоқчилик муносабатлари Венгрия Халқ Республикаси учун ниҳоятда муҳим аҳамиятга эгадир. Мен Венгрия — Совет муносабатлари тўғрисида гапириб шуни зўр мамнуният билан айта оламанки, бу муносабатлар беғубор бўлиб, мустаҳкам негизга эгадир. Бизни муштарак революцион анъаналар, муштарак ғоялар, мақсад ва манфаатларнинг бирлиги бирлаштириб турибди.

Муносабатларимизни мустаҳкамлашда ривожлантиришда ВСИП билан КПСС ўртасида барча масалалар юзасидан принципиал асосдаги бирлик ғоят муҳим аҳамиятга эга. Бизнинг кўп томонлама ҳамкорлигимизга ўзаро ишонч руҳи сингиб кетган. Бунда ўртоқ Янош Кадар билан халқимизнинг самимий дўсти ўртоқ Леонид Ильич Брежнев ўртасидаги шахсий учрашувлар ғоят катта роль ўйнамоқда. Ана шу учрашувлар дўстлигимиз ва ҳамкорлигимизни чуқурлаштириш учун яна ҳам кўпроқ ишларни амалга оширишга ҳамиша янги омил бахш этмоқда. Венгрия Халқ Республикасига келганда шуни айтиш керакки, иқтисодий ва илмий-техникавий ҳамкорликнинг 1990 йилгача мўлжалланган асосий йўналишларини белгилаб берган ишлаб чиқаришни ихтисослаш ва кооперациялашни ривожлантиришнинг узоқ муддатли программасини амалга ошира бориб, саноат ва қишлоқ хўжалиги ўртасида ҳамкорликни яна ҳам кўпроқ даражада чуқурлаштиришдан, ишлаб чиқариш корхоналари ва бирлашмалари ўртасида бевосита алоқаларни ўрнатишдан, бир-бирларимизнинг эҳтиёжларимизни қондириш ва учинчи мамлакатларнинг бозорларида биргаликда қатнашиш учун қўшма фирмалар ташкил этишдан ғоят манфаатдормиз.

Ҳамкорликни ривожлантириш учун биз кўрсатган ташаббусларни маъқуллаб, қўллаб-қувватланганлигингиздан хурсандман. Биз аминмизки, мамлакатларимиз ўртасидаги иқтисодий алоқаларни янада кенгайтириш айни вақтда Ўзарс Иқтисодий Ердам Кенгаши доирасида социалистик иқтисодий интеграцияни чуқурлаштиришга қўшилган ҳисса бўлади, шунингдек социалистик ҳамдўстликнинг иқтисодий қудратини ўстиришга хизмат қилади, бизнинг муштарак вазифаларимизни ҳал этишга ёрдам беради.

Дунёдаги илғор ва тинчликсевар кучлар, деб давом қилди Д. Лазар, улуг Совет Иттифоқининг ижчил ташқи сиёсати ва бутун дунёда ҳурмат-эҳтиромга сазовор бўлган тинчлик учун курашчи ўртоқ Л. И. Брежневнинг халқлар тинчлиги ва хавфсизлиги, социал тараққиёт йўлидаги курашга қаратилган шахсий куч-ғайратлари нақадар муҳим роль ўйнаётганлигини англамоқдалар. Шу боисдан халқаро жамоатчилик Л. И. Брежневнинг ГФРга қилган визитини алоҳида эътибор билан кузатганлиги мутлақо тушунарли бир ҳолдир.

Партиямиз ва ҳукуматимизнинг фикрича, бу визит ғоят катта аҳамиятга эга бўлиб, турли ижтимоий тузумдаги мамлакатларнинг тинч-тотув яшаш принципларини мустаҳкамлашга, Европада тинчлик ва хавфсизлик ишига ёрдам берди. Биз ҳам Совет Иттифоқининг ядро қуроли масалаларига доир янги амалий таклифларни табриклаймиз ва қўллаб-қувватлаймиз.

(Давоми иккинчи бетда).

СССР ВА АҚШ ДЕЛЕГАЦИЯСИНИНГ МАЖЛИСИ

ЖЕНЕВА, 8 декабрь. (ТАСС). Бугун бу ерда Европада ядро қуролларини чеклаш тўғрисида Совет — Америка музокараларидаги СССР ва АҚШ делегацияларининг навбатдаги ялпи мажлиси бўлиб ўтди.

ОБЛАСТЬ ПАРТИЯ КОМИТЕТЛАРИНИНГ ПЛЕНУМЛАРИ

ТЕРМИЗ, 8 декабрь. (ЎзТАГ). Бугун Сурхондарё область партия комитетининг пленуми КПСС Марказий Комитети 1981 йил ноябрь Пленуми қарорлари, КПСС Марказий Комитети Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежневнинг Пленумда сўзлаган нутқида баён этилган кўрсатмалари асосида область партия ташкилотининг вазифаларини муҳокама этди. Область партия комитетининг биринчи секретари А. Каримов доклад қилди.

Пленум 1982 йил ва ўн биринчи беш йилликда область иқтисодий ҳамда социал ривожлантириш планларининг лойиҳаларини, шунингдек келгуси йилги маҳаллий бюджет лойиҳасини асосан маъқуллади.

ГУЛИСТОН, 8 декабрь. (ЎзТАГ). Сирдарё область партия комитетининг пленуми бўлиб ўтди. КПСС Марказий Комитети 1981 йил ноябрь Пленуми қарорлари, КПСС Марказий Комитети Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежневнинг Пленумда сўзлаган нутқида берилган кўрсатмалар асосида область партия ташкилотининг вазифалари тўғрисида область партия комитетининг биринчи секретари В. А. Ҳайдуров доклад қилди.

Пленум саноат ва қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришдаги мавжуд резервлардан энг кўп даражада фойдаланишга, моддий ва хом ашё ресурсларига тежамкорлик билан муносабатда бўлишга, тюмли юбилей — ССР Иттифоқи ташкил этилганлигининг 60 йиллигини муносиб кутиб олиш учун социалистик мусобақани кенг авж олдиришга область коммунистларини, барча меҳнаткашларни сафарбар этиш тадбирларини белгилади.

БУХОРО, 8 декабрь. (ЎзТАГ). Бухоро область партия комитетининг бугун бўлиб ўтган пленуми қатнашчилари КПСС Марказий Комитетининг 1981 йил ноябрь Пленуми қарорлари, КПСС Марказий Комитети Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежневнинг Пленумда сўзлаган нутқидаги қоидалар ва хулосалар асосида область партия ташкилотининг вазифаларини муҳокама этдилар. Область партия комитетининг иккинчи секретари Ю. С. Шкрябин доклад қилди.

Пленум ўн биринчи беш йилликда ва 1982 йилда область иқтисодий ва социал ривожлантириш планлари, беш йилликнинг иккинчи йили маҳаллий бюджети лойиҳаларини асосан маъқуллади.

ТАНЛАНГАН НУТҚЛАР ВА МАҚОЛАЛАР

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, Қозоғистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Д. А. Кунаевнинг «КПССнинг ленинча миллий сиёсати — амалда» китоби босилиб чиқди. Тўпламга 1965—1981 йиллар давригда мамлакатимизда ва чет элларда сўзланган нутқлар, эълон қилинган мақолалар, докладлар киритилган. Уларда ривожланган социализм шароитида Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг ички ва ташқи сиёсати актуал проблемалари, бу сиёсатни узлуксиз турмушга татбиқ этиш юзасидан республика Компартиясининг ҳар томонлама фаолияти акс эттирилган.

Тўпламни Сиёсий адабиёт нашриёти чиқарди.

(ТАСС).

60 ЗАРБДОР ҲАФТАЛИК

УЙИНГИЗ НУРГА ТЎЛСИН

- ГОЭЛРО ПЛАНИ — БУЮК ХЎЖАЛИК РЕЖАСИ
- БЎЗСУВ ГЭСИДАН СИРДАРЁ ГРЭСИГАЧА
- ХАРИТАДА: НУРОБОД, НУРИСТОН

Нур! У — ёруглик дегани. У — фаровонлик манбаи, маданий юксаклик рамзи. Инсон инсон бўлиб яратилибдики, нурга интилади. Ҳаётни чарогон бўлишини истайди, шунинг учун қурашиб келади. Инсоният баҳорини етаклаб келган Улуғ Октябрь социалистик революцияси барча орзу-умидларнинг рўёбга чиқишини бошлаб берди. Шулардан бири — халқ хўжалигини электрлаштириш негизига кўчириб, тараққий эттириш эди.

Улуғ Ленин, у тарбиялаб камолга етказган большевиклар партияси Октябрнинг тонготаридаёқ шу буюк юмушга киришишди. В. И. Ленин ташаббуси билан мамлакатда Россияни электрлаштириш режаси—ГОЭЛРО плани ишлаб чиқилди. Мазкур план лойиҳаси Советларнинг VIII Бутунроссия съезди делегатлари муҳокамасига қўйилди. Ўша — узоқ 1920 йилдаги аҳволни яхшироқ тасаввур қилиш учун бир мисолни келтирмоқчимиз: ГОЭЛРО планига кўра, электр станциялар қуриладиган жойларни съезд қатнашчиларига харита орқали чироғ ёқиб кўрсатиш учун бутун Москвадаги электр лампочкаларини ўчириб қўйишга тўғри келганди. Съезд 22 декабрда бу планни тасдиқлади. В. И. Ленин уни Коммунистик партиянинг иккинчи программаси, деб атаганида мутлақо ҳақ эди.

Совет ҳокимияти душманлари ГОЭЛРО планини хаёл, утопия деб атадилар. Фақат душманларигина эмас, ҳатто объектив фикрловчи кишилар ҳам Совет ҳокимиятининг қандай қилиб ҳонавайронликдан қутулиб чиқа олишига баъзан ишонишмасди.

Утопияга тенглаштирилган ГОЭЛРО планини рўёбга чиқариш ўн-ўн беш йилга мўлжалланган, бу даврда электр станцияларнинг қуввати 1750 киловаттга етказилиши, ҳосил қилинадиган энергия эса йилига 8 миллиард-киловатт соатни ташкил этиши керак эди. Унда бутун мамлакат бўйича 30 та янги район электр станцияси қурилиши, шундан ўнтаси гидроэлектростанциялар бўлиши белгиланди. Ўша ўнтадан биттаси Туркистон ўлкасида бунёд этилиши керак эди. Нурхона учун Тошкент яқинидаги Бўзсув танланди.

Шу ўринда яна рақамларга мурожаат қилайлик. ГОЭЛРО планининг Туркистондаги қалдирғочи — Бўзсув ГЭСи қурилгунга қадар ҳозирги Ўзбекистон территориясидаги мавжуд электр станцияларининг қуввати бор-йўғи 8,5 минг киловаттни ташкил қилар, йилига ҳаммаси бўлиб 15 миллион киловатт-соат энергия ҳосил қилинарди. Аҳолига жон бошига эса бир киловатт-соатга яқин энергия тўғри келарди, холос.

Бўзсув ГЭСини қуришга 1923 йили ҳашар усули билан киришилди. Зулматдан озод бўлган кишиларнинг нималарга қодирлиги ана ўшанда намоён бўлди. Гарчи қийинчиликлар, етишмовчиликлар ҳам Совет ҳокимиятининг қандай қилиб хонавайронликдан қутулиб чиқа олишига баъзан ишонишмасдь

1926 йил 1 май Совет Ўзбекистони солномасига олтин ҳарфлар билан ёзилиб қолган. Шу куни Бўзсув ГЭСи фойдаланишга топширилди. Шу куни Ўзбекистон катта энергетикасини вужудга келтиришга пойдевор қўйилди. Умуман олганда, 20-йилларда республикамизнинг Тошкент, Фарғона, Марғилон, Самарқанд, Бухоро, Қўқон, Термиз, Қаршн каби шаҳарларида бир қанча иссиқлик, дизель ва гидравлик электр станциялар ҳаракатга келтирилди. 19-йилда Ўзбекистондаги электр станцияларнинг умумий қуввати иккилобдан олдингисидан тўрт марта кўп, ҳосил қилинган энергия эса ўн баравар зиёд бўлди.

Республикамиз мамлакатимизнинг бошқа районлари сингари олға қараб ҳаракат этишда давом этди. Улуғ Ватан уруши бошлангунгача бўлган беш йилликлар мобайнида Ўзбекистонда Фарғона ТЭЦи, Комсомол ГЭСи, Қувасой ГРЭСи сингари бир қанча катта электр станциялар фойдаланишга топширилди. Уруш бошлангач, мамлакатимиз ғарбидаги ва марказидаги бир қатор саноат корхоналари Ўзбекистонга кўчирилди. Республика экономикасининг ҳарбий изга ўтказилиши муносабати билан янги электр станцияларни қуриш авж олдириб юборилди. Улар халқимизнинг синалган меҳнат усули — ҳашар йўли билан бунёд этилиб, оммавий жасорат масканларига айланди. Ўша йиллари Оқтепа, Оққовоқ, Салор, Қуйи Бўзсув ГЭСлари сингари 15 та янги электр станциялар барпо этилганлиги фикримизнинг далилидир.

Сирдарё соҳилида Фарҳод ГЭСининг барпо этилганлиги Ўзбекистонни электрлаштириш тарихида алоҳида ўрин эгаллайди. 1943 йил январида республикамизнинг турли бурчакларидан келган 70 минг нафардан ортиқ ҳашарчи Сирдарёни бўғишга, тўғон солиб, нурхона бунёд этишга ҳужум бошлади. Фарҳод ГЭСи 1947 йили дастлабки саноат токини берди.

Йиллар ўтди. Ўзбекистон энергетикаси кундан-кунга қучга тўлиб, унинг халқ хўжалигида тутган ўрни тобора ошиб борди. Ўртоқ Л. И. Брежневнинг Ўзбекистон Компартияси ва Ўзбекистон ССР 40 йиллигига бағишланган табригида йиғилишда айтган қуйидаги отаиш сўзлари ҳамон қулоғимиз остида жаранглаб турибди: «Социалистик Ўзбекистон ҳозирги вақтда электр энергиясини бутун Россия империясида 1917 йилгача ишлаб чиқарилганидан тўрт баравар кўпроқ ва аҳоли жон бошига ҳисобланганда Туркистондагига нисбатан етти баравар, Эрондагига нисбатан 16 баравар кўпроқ ишлаб чиқармоқда». Шундан бери 17 йилдан кўпроқ вақт ўтди. У вақтда ҳали республикамиз харитасида Тошкент, Навоий ГРЭСлари, улкан Сирдарё ГРЭСи йўқ эди. Пайтдан фойдаланиб, Сирдарё иссиқлик электр станцияси тўғрисида икки оғиз сўзламоқчимиз. У ўрта Осиёдаги шу хилдаги энг катта нурхона бўлиб, уни қуришда, лойиҳалаштиришда, фан ва техниканинг энг сўнгги ютуқларини қўлланишда ўзига хос тажриба мактаби бўлиб қолди. Ҳар бири 300 минг киловаттли ўнта энергия блокидан иборат мазкур ноёб ГРЭСни бутун мамлакат қурди. Уни қуришда қатнашган барча кишилар фидокорлик намунасини намойиш қилдилар. КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиуми Раиси ўртоқ Л. И. Брежневнинг йўллаган табрикномаси улар учун энг олий мукофотдир.

Чирчиқ — ўжар дарё. Шу билан бирга меҳнаткаш дарё ҳамдир. Гидросозлар уни пухта жиловлашни, уни коммунизмга хизмат қилдиришни ўрганиб олдилар. Яқинда улар шу дарёда сўнгги — 19-ГЭСни, Ғазалкент гидроэлектростанциясини қуриб тамомладилар. Хўш, шу билан иш тугадими?

Йўқ, энди диққат-эътиборни Чирчиқ ирмоғи Пскомга қаратилмоқда. Ушбу тоғ дарёси оқимини бир неча жойда бўғиб, унинг куч-қудратини электр энергиясига айлантириш, Пском соҳилларида меҳнаткашлар дам оладиган зоналар барпо қилиш кўзда тутилган.

Булар келгуси йиллар режалари. Ўзбекистон ССР Олий Советининг ўнинчи чақириқ тўртинчи сессиясида ўн биринчи беш йилликда 2-Ангрен ГРЭСи, Толлимаржон ГРЭСи қурилишларини авж олдириш, Туямўйин, Андижон гидроузелларидан самарали фойдаланиш, Муборак ТЭЦини бунёд этиш вазифаси олға сурилди. Ҳозир Оҳангарон ва Ангрен шаҳарлари орасидан ўтсангиз, кўзингиз кичик, аммо шинам, кўп қаватли шаҳарчага тушади. У — 2-Ангрен нурхонаси бунёдкорларининг маскани. Нурчилар шаҳарчага Нуробод деб ном қўйишибди. Ҳадемай, Қаршн чўлида ҳам Толлимаржон ГРЭСи қурувчиларининг шаҳарчаси — Нуристон қад кўтаради. Бу шаҳарчаларда нур яратаётганлар, одамларга нур улашадиган кишилар туришади. Уйингиз нурга тўлсин, азиз одамлар!

Республикамиз энергетиклари ҳам барча кишилар сингари ҳозир «СССР 60 йиллигига — 60 зарбдор ҳафталик»да фаол ишламоқдалар. Ўтган уч кварталда жами 25,6 миллиард киловатт-соат электр энергияси ҳосил қилинганлиги, бу, 1980 йилнинг шу даврларига нисбатан 5 процент кўп эканлиги съездлар йили мароналари ҳам мардона эгалланишидан далолатдир.

Г. ВАРВАРИН,
Ўзбекистон ССР Энергетика ва электрлаштириш министрлигининг ГЭС-лар ва электр шаҳобчалари бош бошқармаси бошлиғи,

Т. КИСЕНКОВА,
Тошкент ГЭСлари тизмасининг директори,

Э. ХЎЖАЕВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИДА

Кўп йил самарали ишлаганликлари, қоракўлчиликни ривожлантиришдаги хизматлари учун ва Қашқадарё область Нишон районидаги «Нишон» давлат наслчилик заводи ташкил этилган кунининг 50 йиллиги муносабати билан Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фармонларига биноан бош чўпонлардан Ражабқул Емгуров ва Холман Султонов ўртоқларга «Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган чорвачилик ходими» фахрий унвони берилди.

«Нишон» давлат наслчилик заводи ходимларидан бир группаси Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фахрий ёрлиғи билан мукофотланди.

Деҳқон бўлсанг, шудгор қил!

Республика областларида шудгорлашнинг бориши тўғрисида шу йил 8 декабрга бўлган

МАЪЛУМОТ

Биринчи устун — областлар; иккинчи устун — бир кунда шудгорланган майдон; учинчи устун — мавсум бошидан бугун (топшириққа нисбатан процент ҳисобида).

ТОШКЕНТ	—	100,0
ҚҚАССР	0,9	95,9
Сирдарё	2,3	90,4
Жиззах	3,4	90,2
Наманган	5,1	80,1
Фарғона	4,3	67,6
Андижон	4,3	59,8
Хоразм	0,8	52,6
Қашқадарё	3,7	48,7
Бухоро	2,4	40,1
Самарқанд	0,9	35,1
Сурхондарё	5,3	31,8
Республика бўйича:	2,8	64,7

САМИМИЙ ВАЗИЯТДА

(Боши биринчи бетда)

Совет Иттифоқи ўзининг тинчликка бўлган продасини яна бир бор таъкидлади. Империализмнинг урушқоқ доиралари қуролланиш пойгасини авж олдириб, мувозанатни бузишга интилиб ва ядро уруши бўлиши мумкинлиги тўғрисида гапириб, кескинликни юмшатиш йилларида, давлатлар ўртасида ўзаро тенг ҳуқуқлиликка ва ўзаро манфаатларга асосланган ҳамкорликни ривожлантиришда эришилган ҳамма натижаларни хавф остида қолдираётган ҳозирги пайтда бу нарса катта аҳамиятга эгадир.

Биз халқимизнинг манфаатларини кўзловчи ташқи сиёсатни амалга ошира бориб, КПСС XXVI съездида қабул қилинган ва 80-йилларга мўлжалланган Тинчлик программасини батамом қўллаб-қувватлаймиз. Биз Совет Иттифоқи билан Америка Қўшма Штатлари ўртасидаги мулоқот яна бошланганлигини табриклаймиз, қурол-яроғларнинг янада паст даражада бўлгани ҳолда давлатларнинг баб-баравар хавфсизлиги принципи амалга оширилиши учун курашамиз. Биз тинчлик ва тараққиётнинг барча чинакам тарафдорлари билан ҳамкорлик қилишга тайёрмиз.

Венгрия Халқ Республикаси бизнинг мудофаа иттифоқимиз — тинчликни сақлаб қолишда муҳим роль ўйнаётган Варшава Шартномасида ўз зиммасига олган мажбуриятларини илгари бўлганидек келгусида ҳам шараф билан бажараверади. ВХР социалистик ҳамдўстлигимиз бирлигини мустаҳкамлаш учун, унинг куч-қудрати ва обрў-эътиборини ошириш учун бутун кучини сарфлайди.

Н. А. Тихонов жавоб нутқида қуйидагиларни айтди; фурсатдан фойдаланиб, сизга, бутун венгер халқига КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Леонид Ильич Брежневнинг самимий саломи ва энг яхши истакларини топшираман.

Леонид Ильич социалистик мамлакатлар билан қардошлик алоқаларини ривожлантириш ва мустаҳкамлашга доимо зўр эътибор бериб келмоқда, Совет — Венгрия ҳамкорлиги масалаларини чуқур ва ҳар томонлама кўриб чиқмоқда.

Мамлакатларимиз раҳбарларининг анъана бўлиб қолган мунтазам учрашувлари совет ва венгер халқларининг дўстлиги ҳамда қардошлигини янада мустаҳкамлаш учун, икки томонлама муносабатларнинг асосий масалаларини ҳал этиш, тинчлик манфаатларини нўзлаб келишиб олинган сиёсатни актив равишда ўтказиш учун белгиловчи аҳамиятга эгадир.

Мана шу учрашувлар давлатларимиз ўртасидаги ҳар томонлама ҳамкорлик учун кенг истиқболлар очади. Бу учрашувлар бугун биз бошлаган музокаралар учун ҳам равшан бир йўл бўлиб хизмат қилади.

Совет — Венгрия ҳамкорлиги аллақачондан буён кўп қиррали, чуқур ва самарали ҳамкорликка айланган.

Биз қайси бир соҳани олиб кўрмайлик, ҳамма жойда зўр таассурот қолдирадиган натижаларнинг гувоҳи бўламиз. Бизнинг қалин баҳамжиҳат ҳаракатимиз социалистик ва коммунистик йўлдан дадил олға боришимизда ёрдам беради.

Венгер коммунистларн ўзларининг XII съездида ва биз, совет коммунистлари ўзимизнинг XXVI съездимизда мамлакатларимизнинг муттасил олға ҳаракатидаги янги марраларни белгилаб дик, экономикамизни интенсив ривожланиш йўлига ўтказиш, барча моддий, меҳнат ва молиявий ресурслардан тобора оқилона фойдаланиш билан боғлиқ катта ва мураккаб вазифаларни ўртага қўйдик.

Ана шу вазифаларнинг муваффақиятли бажарилиши экономикамизнинг дадил ривожланиши ва самарадорлиги ошишини, меҳнаткашларнинг турмуш шароитлари яхшиланишини, уларнинг маънавий маданияти янада равнақ топишини таъминлайди.

Аммо белгиланган режалар амалда рўёбга чиқарилиши учун бир талай қийинчиликларни енгиб ўтиш, айниқса, ишлаб чиқаришда эришилган ҳамма натижаларни ҳавф остида қолдираётган ҳозирги пайтда бу нарса катта аҳамиятга эгадир.

Биз халқимизнинг манфаатларини кўзловчи ташқи сиёсатни амалга ошира бориб, КПСС XXVI съездида қабул қилинган ва 80-йилларга мўлжалланган Тинчлик программасини батамом қўллаб-қувватлаймиз. Биз Совет Иттифоқи билан Америка Қўшма Штатлари ўртасидаги мулоқот яна бошланганлигини табриклаймиз, қурол-яроғларнинг янада паст даражада бўлгани ҳолда давлатларнинг баб-баравар хавфсизлиги принципи амалга оширилиши учун курашамиз. Биз тинчлик ва тараққиётнинг барча чинакам тарафдорлари билан ҳамкорлик қилишга тайёрмиз.

Венгрия Халқ Республикаси бизнинг мудофаа иттифоқимиз — тинчликни сақлаб қолишда муҳим роль ўйнаётган Варшава Шартномасида ўз зиммасига олган мажбуриятларини илгари бўлганидек келгусида ҳам шараф билан бажараверади. ВХР социалистик ҳамдўстлигимиз бирлигини мустаҳкамлаш учун, унинг куч-қудрати ва обрў-эътиборини ошириш учун бутун кучини сарфлайди.

Н. А. Тихонов жавоб нутқида қуйидагиларни айтди; фурсатдан фойдаланиб, сизга, бутун венгер халқига КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Леонид Ильич Брежневнинг самимий саломи ва энг яхши истакларини топшираман.

Леонид Ильич социалистик мамлакатлар билан қардошлик алоқаларини ривожлантириш ва мустаҳкамлашга доимо зўр эътибор бериб келмоқда, Совет — Венгрия ҳамкорлиги масалаларини чуқур ва ҳар томонлама кўриб чиқмоқда.

Мамлакатларимиз раҳбарларининг анъана бўлиб қолган мунтазам учрашувлари совет ва венгер халқларининг дўстлиги ҳамда қардошлигини янада мустаҳкамлаш учун, икки томонлама муносабатларнинг асосий масалаларини ҳал этиш, тинчлик манфаатларини нўзлаб келишиб олинган сиёсатни актив равишда ўтказиш учун белгиловчи аҳамиятга эгадир.

Мана шу учрашувлар давлатларимиз ўртасидаги ҳар томонлама ҳамкорлик учун кенг истиқболлар очади. Бу учрашувлар бугун биз бошлаган музокаралар учун ҳам равшан бир йўл бўлиб хизмат қилади.

Совет — Венгрия ҳамкорлиги аллақачондан буён кўп қиррали, чуқур ва самарали ҳамкорликка айланган.

Биз қайси бир соҳани олиб кўрмайлик, ҳамма жойда зўр таассурот қолдирадиган натижаларнинг гувоҳи бўламиз. Бизнинг қалин баҳамжиҳат ҳаракатимиз социалистик ва коммунистик йўлдан дадил олға боришимизда ёрдам беради.

Венгер коммунистларн ўзларининг XII съездида ва биз, совет коммунистлари ўзимизнинг XXVI съездимизда мамлакатларимизнинг муттасил олға ҳаракатидаги янги марраларни белгилаб дик, экономикамизни интенсив ривожланиш йўлига ўтказиш, барча моддий, меҳнат ва молиявий ресурслардан тобора оқилона фойдаланиш билан боғлиқ катта ва мураккаб вазифаларни ўртага қўйдик.

Ана шу вазифаларнинг муваффақиятли бажарилиши экономикамизнинг дадил ривожланиши ва самарадорлиги ошишини, меҳнаткашларнинг турмуш шароитлари яхшиланишини, уларнинг маънавий маданияти янада равнақ топишини таъминлайди.

Аммо белгиланган режалар амалда рўёбга чиқарилиши учун бир талай қийинчиликларни енгиб ўтиш, айниқса, ишлаб чиқаришда эришилган ҳамма натижаларни х

СССР 60

СИРДАРЁ ОБЛАСТИ ПАХТАКОРЛАРИНИНГ ЗАФАРИ

430 МИНГ ТОННАГА ЯҚИН «ОҚ ОЛТИН» ТАЙЁРЛАНИБ, ЮКСАК МАРРА ЭГАЛЛАНДИ

ЖОНАЖОН Коммунистик партиямизнинг XXVI съезди ҳамда Ўзбекистон Компартияси XX съездининг тарихий қарорларини изчиллик билан амалга ошираётган Сирдарё областининг азамат пахтакорлари ажойиб ғалабани қўлга киритдилар. Пахта етиштириш ҳамда давлатга сотиш бўйича белгиланган йиллик план ҳамда зиммага олинган юксак мажбурият шараф билан ошириб адо этилди. Она-Ватан сирдарёликлардан 430 минг тоннага яқин «оқ олтин» қабул қилиб олди. Ана шу улкан пахта хирмонининг 320 минг тоннаси ёки ялпи ҳосилнинг деярли 78 проценти агрегатлар ёрдамида териб олинди. Бундай улкан ғалабага областимиз деҳқонлари ҳамда шавкатли дала гвардиячиларимизнинг биринчи бор эришаётганлиги айниқса фахрлидир. Яна шу нарса бизларни қувонтирадики, деҳқончилик, хусусан пахтачилик учун ғоят оғир ва сермашаққат келган ушбу хўжалик йилида қўриқ воҳа пахтакорлари яна бир юксак маррани эгалладилар. Областимиз тарихида биринчи бор ялпи ҳосилдорлик гектар бошига 26 центнерга етказилди.

Эришилган катта меҳнат ғалабасига Ворошилов, Меҳнатобод, Оқолтин, Комсомол ҳамда Ильич районларининг уста деҳқонлари ва тажрибали механизаторлари айниқса баракали ҳисса қўшдилар.

Бундай шарафли ютуқлар осонликча қўлга киритилгани йўқ, албатта. Азамат пахтакорларимизнинг юксак «оқ олтин» хирмони учун олиб борган мардонавор курашларини чинакам қаҳрамонлик деса бўлади. Баҳорнинг серташвиш кунлари ҳалигача кўпчиликнинг ёдида бўлса керак. Пил бошида ҳаво салқин келди. Бу эса деҳқонларимиз, қишлоқ хўжалик мутахассислари, хўжаликларнинг раҳбарларига кўплаб ташвишлар туғдирди. Қуёш ҳароратининг паст келиши туфайли чигитни ундириб олиш ва ниҳолларни ривожланиш муддатлари бирмунча кечикди. Агар вақтида тегишли чоралар кўрилмаса, тадбиркорлик билан иш юритилмаса оқибат-натижада бўлажак ҳосил салмоғига путур етиши турган гап эди. Заҳматкаш деҳқонларимизга, фидокор механизаторларимизга ва билимдон мутахассисларимизга раҳмат. Улар табиий қийинчиликларни бартараф этиш учун бор имкониятни ишга солдилар, оғир ва мураккаб шароитларда омилкорлик билан иш юрита билдилар. Шунинг учун ҳам деярли барча майдоларда зиммадаги юксак мажбуриятни қоплайдиган даражада ҳосил тўпланди.

Йигим-теримга ҳар қачонгидан ҳам пухта тайёргарлик кўрдик. Муҳим агротехник тадбир — дефолиацияни ўтган йилдагига нисбатан барвақт бошлаб, уни тез ва соз ўтказиб олишга эришдик. Бу ўринда бизга Тошкент технологияси қўл келди, албатта. Умуман олганда, областимиз пахтакорлари бу илғор технологиядан самарали фойдаланишга ҳаракат қилмоқдалар. Чунки пойтахт области деҳқонларининг тўпланган бой тажрибалари қўриқ воҳа деҳқонлари ва механизаторларига ғоят маъқул келмоқда.

Бизларнинг шароитимизда ҳосил йиғим-терими муваффақиятини асосан техника ҳал қилади. Шунинг учун ҳам механизатор кадрларнинг сафларини кенгайтириш, малакасини ошириш, мавжуд техникани мавсумга пухта шайлаш анъанага айланиб қолган. Йиғим-терим кампанияси олдидан барча районларда механизаторларнинг слётлари ўтказилиб, уларда механик-ҳайдовчиларнинг малакаси, теримга шайлиги ҳамда техника ремонтининг сифати атрофлича муҳокама қилинди, айни пайтда бу йилги мураккаб шароитда азамат дала гвардиячиларимиз олдида турган долзарб вазифалар ҳақида фикр юритилди. Мазкур слётларда ҳар бир механик-ҳайдовчи ўз зиммасига оширилган шахсий мажбурият қабул қилди, улар ўзаро мусобақа шартларини белгилаб олдилар. Бу тадбирларнинг ҳаммаси умумий ишимизнинг муваффақиятини таъминлашга катта ёрдам берди. Областимиз далаларида бу йил 3818 та пахта териш машинаси, 676 та кўсак териш, 523 та тўкилган пахтани терувчи, 792 та кўрак чувиш агрегатлари ҳамда 1753 та транспорт трактори ва 7495 та тележкадан самарали фойдаланилди. 7827 нафар механизатор эса ана шу мавжуд техникани ҳаракатга келтирувчи қудратли куч бўлди, улар бир ярим-икки сменада меҳнат қилдилар. Бир сўз билан айтганда, ўзларига нисбатан билдирилган юксак ишончни шараф билан оқладилар. Натижада техника ёрдамида 320 минг тонна пахта терилиб, бу соҳада олинган юксак мажбурият ҳам ортиғи билан адо этилди. Областимиз механизаторларининг эришган бу улкан ғалабаларига Ворошилов, Оқолтин, Ильич, Меҳнатобод, Комсомол районларининг далаларида гвардиячилари айниқса салмоқли ҳисса қўшдилар. Бугунги шодиёна кунларда ворошиловлик Эшқул Тожибоев, Султон Қоражонов, оқолтинлик Абдураҳим Пўлдошев, Бахтиёр Собиров, ильичлик Назар Норбоев, Мурод Абдужамбилов, меҳнатободлик Муҳаммад Аҳмадалиев, Машраб Бобожонов, комсомолчилик Мусаддин Кўчиев, Маматқул Аҳмедов, боёвутлик Абдусамат Саидмуродов, Қўчқор Жуманов, гулистонлик Ғафурбек Ҳакимов, Тўйчи Назаров, ҳовослик ака-ука Жўраевлар сингари ўнлаб йиғим-терим қаҳрамонларининг номларини область меҳнаткашлари ҳурмат билан тилга олмоқдалар. Улар ўз агрегатлари билан мавсумда 250—300 тоннадан ошириб пахта теришиб, чинакам ватанпарварлик намуналарини кўрсатдилар.

Сўнгги йилларда областимизда жонажон партия ва ҳукуматимизнинг оталарча ғамхўрликларига таянган ҳолда пахтачиликни комплекс механизациялаш, деҳқончилик маданиятини юксалтириш борасида катта ҳажмдаги ишлар амалга оширилмоқда. Натижада районлар, колхоз ва совхозларнинг ишлаб чиқариш қувватлари ошмоқда, улар замонавий техника воситалари билан қуроллантирилмоқда. Натижада деҳқонларимизнинг қўл меҳнатлари енгиллашиб «оқ олтин» хирмонининг салмоғи йил сайин ортаётир. Бу борада Ворошилов, Оқолтин, Меҳнатобод ҳамда бошқа районларимизда амалга оширилаётган ишлар айниқса диққатга сазовордир.

Ворошилов районининг лафзи ҳалол пахтакорлари бу йил юксак меҳнат ғалабасини қўлга киритдилар. Давлатга 51 минг тонна дан ортиқ пахта сотиб, ўзларига ҳисобдаги 7 минг тонна пахтадан ўзғариш ясалмоқда. Совхоз заршуносларидан бу йил районда биринчилардан бўлиб пахта тайёрлаш йиллик планини бажардилар. Ҳозирга қадар эса 8500 тоннадан зиёд «оқ олтин» топширилиб, зиммага олинган мажбуриятлар ҳам ортиғи билан бажарилди. Гектаридан 28 центнердан хирмон кўтарилди. Бу кўрсаткичлар совхозда ҳали катта резервлар мавжудлиги, хўжалик механизаторлари янада улкан марраларни эгаллашга қодир эканликларидан далолат бериб турибди.

Оқолтин райони пахтакорларининг довруғи бутун республикамизга таралган. 80 минг тонналик улкан «оқ олтин» хирмони қўриқ район меҳнаткашлари учун оддий нормага айланиб қолди. Бу кўп йиллар давомида район партия комитети ва район ижроия комитети, хўжалик органлари, меҳнаткашлар, мутахассислар томонидан олиб борилаётган ижодий изланишлар, тадбиркорлик ҳамда ташаббускорона ишларнинг самарасидир, албатта. Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Собиржон Сиддиқов раҳбарлик қилаётган «Фарғона» совхози, шунингдек «Андижон» ҳамда райондаги бошқа қатор хўжаликларидаги карвонбошиларнинг олиб бораётган ибратли ишлари бу соҳада айниқса диққатга сазовордир.

Қўриқ бағрига жойлашган «Фарғона» совхози эндиликда областдаги эмас, балки республикамиздаги энг йирик ҳамда юқори ҳосилли хўжаликлардан бирига айланиб қолди. Совхоз меҳнаткашлари бу йил она-Ватанга 20 минг тоннадан зиёд «оқ олтин» армуғон этдилар. Бу пландагидан деярли 3,5 минг тонна кўп демакдир. Ҳосилдорлик эса гектар бошига 38 центнерданга етказилди.

Бу йилги мураккаб ва оғир шароитларда областимизнинг кенжа Меҳнатобод райони деҳқонлари 25 минг тонналик маррани эгалладилар. Шунингдек областимизнинг Комсомол, Ильич районларининг дала меҳнаткашлари ҳам йиғим-теримни юксак суръатларда ташкил эта олдилар. Натижада план ҳамда социалистик мажбуриятлар муддатидан илгари оширилди ва адо этилди.

Пайтдан фойдаланиб, йиғим-терим кампаниясининг муваффақиятини таъминлашда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва республика Министрлар Советининг Мурожаати ғоят муҳим роль ўйнаганини таъкидлаб ўтишни истар эдим. Республика партия ва ҳукуматининг бу жанговар чақириғи областимизнинг барча меҳнат коллективларида, колхоз-совхозлар, бўлим ва бригадалар, механизаторлар ҳамда теримчилар ўртасида атрофлича ўрганиб чиқилди ва унга жавобан конкрет тадбирлар белгиланди. Бу тадбирларнинг вақтида амалга оширилиши туфайли йиғим-терим суръати ўсди, сафарбарлик ортди. Бугунги шодиёна кунларда биз КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари, пахтакорларнинг энг яқин дўсти, қадрдони ҳурматли Шароф Рашидович Рашидовга қалб ташаккуримизни изҳор этамиз. У киши ҳосил тақдири учун қизғин кураш бораётган масъулиятли дамларда областимиз далаларида бўлиб, қимматли маслаҳатлари ва йўл-йўриқлари билан деҳқонларимизга катта мадад бердилар.

Областимиз пахтакорлари, барча дала меҳнаткашлари мусобақадош Фарғона области ҳамда қардош Тожикистон пахта усталарига кўлдан-кўп миннатдорчилик туйғуларини изҳор этмоқдалар. Дўстлар маслаҳати — олтиндан қиммат, деган нақл бу йилги мураккаб ҳамда оғир шароитларда том маъноси билан намоён бўлди.

Бу йилги куз ҳаposининг серташвиш келгани кўпчиликка яхши маълум. Сентябрь ҳамда октябрь ойларида ёққан ёмғирлар деҳқонларимиз қалбига гулгула солиб қўйди. Шаҳарлик дўстларимиз ва биродарларимиз, кўп сонли студентларимиз ва ўқувчи ёшларимиз ҳал қилувчи дамларда ўз ўринларини деҳқонлар ёнида деб билдилар. Шунинг учун ҳам Тошкент шаҳар олий ўқув юртларининг студентларига, ишчилари ва меҳнаткашларига кўпдан-кўп раҳматлар деймиз. Областимизнинг бугунги юксак «оқ олтин» хирмонида уларнинг ҳам муносиб ҳиссалари бор.

Ўн биринчи беш йилликнинг дастлабки йилида областимизда пахтачилик билан бир қаторда халқ хўжалигининг барча соҳаларида катта муваффақиятлар қўлга киритилди. Саноатчиларимиз ўн йиллик топшириқларни барча асосий кўрсаткичлар бўйича ошириб бажаришга эришдилар. Капитал қурилиш, транспорт ҳамда бошқа соҳалардаги ютуқларимиз ҳам қувончлидир. Ғаллакорларимиз ҳам бу йил катта ғалабаларни қўлга киритдилар.

Шунингдек областимиз қишлоқ хўжалик ходимлари давлатга сабзавот сотиш йиллик планини 100,6 процент, хўл мева сотиш йиллик планини 130,1 процент, узум сотиш йиллик планини 117,2 процент, полиз маҳсулотлари топшириш планини эса 112,3 процент қилиб адо этдилар. Картошка етиштириш ва давлатга сотиш соҳасида ҳам ўтган йилдагига нисбатан олға силжиш рўй берди.

Шу кунларда областимиз заршуносларининг келгуси йил мўл ҳосилига пухта замин яратиш мақсадида шудгорлашни эўр уюшқоқлик билан олиб бормоқдалар. Далаларга маҳаллий ва минерал ўғитлар чиқаришни ҳам жадал давом эттирмоқдалар.

Н. ЗОКИРОВ,
Сирдарё область партия комитетининг иккинчи секретари.



Областнинг Комсомол районидаги «Ленинград» совхозида уста пахтакорлар кўп. Мўл ва арзон пахта етиштиришда катта тажриба тўплаган заршуносларнинг фидокорона меҳнатлари туфайли совхоз етиштираётган ҳосил йилдан-йилга кўпайиб бормоқда. Совхозда пахта топшириш йиллик планнинг биринчилар қаторида бажарган Қўзибой Худойбердиев бошлиқ бригада ҳар йилгидек бу йил ҳам катта хирмон уйдн. Ҳосилдорликни гектаридан 35 центнерга етказган бригада заршуносларининг ютуғида механизаторларнинг ҳиссаси айниқса катта бўлди.

Суратда Қ. Худойбердиев (чапда) ва механизатор А. Улуғмуродов.

Ш. Алимов фотоси (ЎзТАГ).

САҲИФАДАН РАҚАМЛАР...

✦ Область пахтакор-чўлқуварлари она-Ватан хазинасига 430 минг тоннага яқин дурдона тўкиб, социалистик мажбуриятларини шараф билан адо этдилар. Ҳосилдорлик 26 центнер бўлди.

✦ 3.818 «зангори кема»нн бошқарган 7.827 механик-ҳайдовчи бункерлардан 320 минг тонна пахта тўкиб, дала гвардиячиси номини шон-шуҳратларга буркади.

✦ Ворошилов, Оқолтин, Ильич, Меҳнатобод, Комсомол районларн областнинг катта «оқ олтин» хирмонига муносиб ҳисса қўшдилар.

✦ Область бўйича давлатга сабзавот, полиз маҳсулотлари, мева ва узум сотиш планларн анча ортиғи билан адо этилди Чорва маҳсулотларн тайёрлаш жадал суръатлар билан олиб борилмоқда.

Механизаторлар йўқламаси

МУСОБАҚА САМАРАСИ

Ғафурбек ҲАКИМОВ,
Гулистон районидаги Ленин номли колхоз механизатори

Ҳурматли дўстим Мусаддин!

Мана йил бўйи қилинган катта ишларимизни якунлаб, дастлабки хулосалар ясайдиган вақт ҳам етиб келди. Биз иккимиз мавсум бошида ўзаро мусобақалашиб, зиммамизга юксак мажбуриятлар олган эдик. Мусобақа шартлари қандай бажарилди? Биз ўзаро меҳнат баҳсларида нималарга эришдик? Мен сизга ана шу ҳақда қисқача бўлсе-да маълумот бериб ўтмоқчиман.

Колхозимиз аъзоларининг фидокорона меҳнатлари туфайли бу йил хўжалигимиз тарихида биринчи маротаба энг юксак ҳосил етиштирилди. Натижада биз механизаторларнинг ҳам ишларимиз баракали бўлди. Едингизда бўлса керак. Мавсум бошида мен 300 тонна пахта теришга бел боғлаб сизни мусобақага чақирган эдим. Мана энди ёруғ юз билан айтишим мумкинки, зиммамдаги мажбуриятни ошириб бажардим. Мавсумда ўз агрегатим билан 318 тонна пахта теришга муваффақ бўлдим.

Колхозимиз далаларида бу йилги мавсумда 32 та пахта териш машинаси ва бошқа агрегатлардан унумли фойдаланилди. Шунинг учун ҳам етиштирилган ҳосилнинг асосий қисми техника ёрдамида йиғиштириб олинди. Мадамин Маҳмудов, Ҳамид Маматқулов, Холмўмин Қўзибоев, Рўзимат Абдурахмонов каби ҳамкасбларим ҳам 180—200 тоннадан пахта тердилар.

Бу йилги меҳнат баҳсида яхши ютуқларни қўлга киритдик. Узаро мусобақа қандай ажойиб самаралар беришини амалда кўрдик. Бунга сиз нима дейсиз?

ЮТУҚЛАРИМИЗ ОМИЛИ

Мусаддин КЎЧИЕВ,
Комсомол районидаги «Коммунизм» колхозининг механизатори

Ҳурматли Ғафурбек ака!

Бу йилги иккимиз орамиздаги ўзаро меҳнат баҳси менга ҳам янги куч-қувват бағишлади, ғайрат билан ишлаш, вақтни қадрлашга ўргатди. Бундан мен энди ниманинг ғоят хурсандман.

Хабарингиз бўлса керак. Бу йил бизнинг районимиз, шу жумладан колхозимиз ва бригадамиз йиллик пахта тайёрлаш плани ва социалистик мажбуриятларини ошириб бажардилар. Бу ютуққа биз механизаторлар катта ҳисса қўшолганимиз билан бахтиёрмиз.

Масалан, колхозимизда етиштирилган ҳосилнинг 90 процентдан кўпроғи техника ёрдамида йиғиштириб олинди. Хўжалигимиз далаларида 35 та пахта териш машинаси унумли ишлатилди. Муҳаммад Мансумов, Кирмон Дадаев, Анвар Хамадиев, Алексей Ким сингари механизаторларимиз 150—200 тоннадан пахта териб бердилар.

Бизнинг онламиз пахтакор ва механизаторлар онласи. Акам Ғози Жаводов ота касбини билада биринчи бўлиб эгаллаган эди. Ҳозир эса у таниқли бригадир. Бу йил 105 гектар ернинг ҳар гектаридан 39 центнердан ошириб ҳосил олди. Мен шу бригадада механизаторлик қиламан. Мавсум бошида сиз билан мусобақалашиб 200 тонна пахта териш мажбуриятини олган эдим. Мамнуният билан маълум қиламанки, ўз мажбуриятимни ошириб бажаришга эришдим. Келгусида эса бундан ҳам юқори довонларни кўзлаш ниятидаман.

СУВОРИЙЛАР ШИЖОАТИ

Сирдарё области пахтакорларининг улкан меҳнат ғалабасида техниканинг қудратини намойиш этган фидокор механизаторларининг ҳиссаси айниқса катта бўлди. Уларнинг баҳодирона меҳнатлари туфайли 320 минг тонна «оқ олтин» пўлат эшакларга тўкилди. Оқолтин районидаги «Фарғона» совхоз-техникумининг бригадир-механизатори Бахтиёр Собиров ҳам йиғим-теримда актив иштирок этиб хўжалигининг «оқ олтин» хирмонига муносиб улуш қўшди. Қуйида Б. Собиров совхоз механизаторларининг ибратли ишлари ҳақида ҳикоя қилади.

Совхозимиз областдаги энг йирик пахтакор хўжаликлардан ҳисобланади. Ун биринчи беш йилликнинг дастлабки йилида 5830 гектар ернинг ҳар гектаридан деярли 38 центнердан ҳосил олишга муваффақ бўлдик. Давлатга топширилган жами «оқ олтин» хирмонимиз эса 20 минг тоннадан ошиб кетди. Шу нарса бизларни қувонтирадики, ана шундай юксак маррани шаҳардан ёрдамчи олмай, ўз кучимиз билан барпо этдик. Биз бундай муваффақиятларга йиғим-теримдаги асосий ишларни техника зиммасига юклаганимиз туфайли эришдик.

Бу йилги мавсумга биз алоҳида тайёргарлик кўрдик. Чунки куз фаслининг дастлабки ойи бошидаёқ ёққан ёмғир ҳар биримизни хушёрликка, ғанимат дамларнинг ҳар дақиқаси, ҳар соатидан унумли фойдаланишга ундади. Шундай ҳам қилдик. Совхозимиз далаларида 157 та «зангори кема» юксак унум билан ишлатилди. Натижада елкасига катта карвон ортган совхозимиз районда биринчи бўлиб йиллик пахта тайёрлаш планини, сўнгра эса зиммага олган социалистик мажбуриятини ҳам ошириб адо этди.

Шу нарсани мамнуният билан айтиб ўтмоқчимизки, Баҳром Раҳимов бошқарувчилик қилаётган бўлимимиз деҳқонлари 700 гектар ерда ҳар қачонгидан ҳам мўл пахта ҳосили етиштирдилар. Пландаги 30 ўринга 40 центнердан ошириб хирмон кўтарилди. Бунда биз-ларнинг ҳам муносиб улушимиз бор.

Бригадамизнинг деҳқонлари фидокорона меҳнат қилишиб, 75 гектар ерда баракали ҳосил етиштирдилар. Йил бошида 40 центнерлик маррани кўзлаган эдик. Теримдан олдин далаларимиздаги ҳосилни чамалаб 50 центнерлик маррани эгаллашга аҳд қилдик. Эндиликда ўзимизнинг ана шу шарафли вазифамизни уддалай олганимиздан бахтиёрмиз. Бўлимимиздаги Зокир Ҳамидов, Қосим Қобилов ва бошқа ўртоқлар бош бўлишган бригадаларда ҳам 45—50 центнерлик марра эгалланди. Етиштирилган «оқ олтин»нинг деярли ҳаммасини техника ёрдамида йиғиштириб олдик. Республикада хизмат кўрсатган механизатор Абдураҳим Йўлдошев, Зокир Ҳамидов, Нурмат Эшбоев сингари механик-ҳайдовчиларимиз ана шу ютуқларга баракали ҳисса қўшдилар. Уларнинг мавсумда терган пахталари 200—250 тоннадан ошиб кетди. Менинг ўзим эса 200 тонна пахта теришга муваффақ бўлдим. Биз — ёш пахтакор ва механизаторлар хўжалигимиз, районимиз ва областимизнинг юксак ғалаба хирмонига ўзимизнинг муносиб ҳиссамизни қўша олганимиздан хурсандмиз.

ЮРАГИМ ЁЛҚИНИ

Пахтажон, юрагим ёлқини ўзинг,
Илҳом денгизининг тўлқини ўзинг.
Нур янглиғ киргансан, тилакларимга,
Ҳадсиз қувват бериб билакларимга.

Сен менинг қўшиғим, сен менинг ўйим,
Чинни пиёладай жарангдор куйим,
Шул боис қалбимда гулдай кулгансан,
Ёз бўйи мен билан бирга бўлгансан.

Сенсан кўзларимга кўчирган нақшим,
Ва ойдин тунларда кўрган оқ тушим.
Кўнглимни тўлдириб ўтди хитобга;
Маржон шоналарни тутиб офтобга;

Нур сочиб самода ой сузганида,
Жон қизлар баргинга хат ёзганида,
Мени қайта мафтун айладинг пахтам,
Ҳадсиз курашларга шайладинг пахтам.

Бугун кипригимда ўсганлигинг айт,
Меҳрим шона қилиб осганлигинг айт!
Қуёш қармоғига илган паллалар,
Сувга чўмилтириб, айтдим яллалар.

Орзум шамол бўлиб эсди бошингга,
Кўзим энё сочиб турди қошингга,
Кўсакларга кўчгач шўх кулгуларим,
Тола бўлиб кулди соф туйғуларим,

Уйларим айланди юксак хирмонга
Шунда мавзу топдим шеърий достонга.
Кўчадан ўтганда катта карвонлар,
Ушалди, дедим мен эзгу армонлар.
Сен менинг Ватанга садоқатимсан,
Кўплар ҳавас қилган саодатимсан.

Ҳамроқул РИЗО.

ҒОЛИБЛАР ХИРМОНИ

РЕПОРТАЖ

Бақт тушга яқинлашиб бормоқда. Теримчилар, улар кетидан шаҳарлик ҳашарчилар пахта тўла этакларини пайкал ёнидаги тележкага бўшатиб, шипон томон чиқмоқдалар. Лекин механизаторларнинг ҳамон вақтни қизғанаётганликлари сезилиб турибди. Пирик паллада 5 та «зангори кема» гуриллаб ишламоқда. Механизаторларнинг бирови бункеримни тўлдириб олай деса, яна бири афтидан тераётган этаги охиригача чиқиб олишни ўйларди.

Ҳа, далаларда меҳнат симфонияси авжида. Бункерларга лўппи-лўппи пахталар гўёки лайлак қордек ёғилмоқда... Ана, агрегатларнинг бири пайкал четига яқинлашиб келди. Салобатли чайқалиб, аста бурилди-да, сўнг янги қаторга кирарқирмас аста тўхтади. Механик-ҳайдовчи газни пасайтирди-ю, нарида унинг ишини кузатиб турган бўлим механиги томон юрди. Бу — ўрта бўйли, қорачадан келган хушбичимгина жувон ҳозиргина бригадир Насриддин Маражапов мақтаб турган механизатор Фаридахон Рузанова экан.

— Нима бўлди? — сўради бўлим механиги Анвар Мамадалиев механизаторнинг нимадандир кўнгли ғаш эканлигини сезиб. Моторнинг шовқини яқин бўлгани учун улар баланд овоз билан гаплашардилар.

— Кичик тезликка яхши тушмаяпти. Кейин мотор ҳам қизиб кетяпти. Бир кўриб беринг, Анвар ака!

Механик «маъқул» дегандай бош силкитди ва шу ондаёқ созловчи Эргаш Маҳкамов билан агрегатни синчиклаб кўздан кечира бошладилар. Биз эса пайтдан фойдаланиб, Фаридани сўзга тутдик.

— Ҳозиргача 160 тонна пахта тердим, — деди бригадир ибораси билан айтганда, группанинг ягона маликаси бизнинг саволларимизга жавобан. У афтидан шошилар, хаёли агрегатда кўринарди. Шунинг учун қисқа-қисқа гапирарди. — Мажбуриятим 180 тонна.

— Машинада кўпдан бери пахта терасизми?

— Бу йил бешинчи мавсум.

Шу маҳал унинг олдига механик келиб, қизининг кўнглига тасалли берди:

— Синглим, синчковлигингизга қойилман. Агрегатнинг қандай ишлаётганини овозидан биладиган бўлиб қолибсиз. Айтганингизча бор экан.

— Ҳижолат тортманг, ҳозир тушлик қилгунингизча пайвандловчи билан созлаб қўямиз. Кейин радиаторни ҳам ювиб берамиз. Ҳаммаси жойида бўлади. Ишдан қолмайсиз.

Фариданинг чеҳраси ёришиб, енгил қадамлар билан ўз агрегати томон юрди. Биз ҳам уни ортиқча саволга тутишни лозим кўрмадик. Шу қисқа учрашувдаёқ олижаноб деҳқон фарзандининг сиймоси кўз ўнгимизда гавдаланган эди...

Бу воқеа теримнинг энг долзарб кунларида бўлиб ўтган эди. Фаридахондек оташқалб механизатор ва теримчиларнинг фидокорона меҳнати туфайли бригада коллективи йиллик план ва мажбуриятларини ошириб бажарди. Ҳосилнинг 97 проценти машиналарда терилди.

Насриддин Маражапов «Ленинград» совхозининг 1-бўлимидаги 1-бригадага бошчилик қилади. Мана, чорак аср бўлибдики, мана шу шарафли ва масъулиятли вазифа эгаси. Иккита Меҳнат Қизил Байроқ ордени кавалери, хўжалигининг энг ҳурматли деҳқонларидан бири. Ҳар сафаргидай бу йил ҳам тенгқур дўстлари, шогирдларини ортда қолдириб, бўлимда биринчи бўлиб планни ошириб бажарди.

Ёш, ғайратли деҳқон, тадбиркор мутахассис Ирисмат Ниёзов бошқарувчилик қилаётган 1-бўлим коллективи бу йил фидокорона меҳнат қилиб, 591 гектар ерда ҳар қачонгидан ҳам мўл-кўл пахта ҳосили етиштиришди. Йиллик план ортиғи билан адо этилди. Қўзибой Худойбердиев, Пўлат Ҳакимова, Раим Ашуров, Раҳмат Отажонов бошлиқ бригадаларнинг довруғи бутун совхозга таралди. Бу бригадаларда 35—40 центнерлик марра эгалланди.

Шу нарса қувонарлики, Комсомол райони ҳам, «Ленинград» совхози ҳам бу йил илғорлар сафида зафар маррасига етиб келдилар. Улкан «оқ олтин» хирмонини барпо этишда юқоридаги каби азамат механизаторлар, кўпни кўрган уста деҳқонлар, чевар теримчилар оғир пайтларда дала меҳнаткашларига ёрдамга келишган шаҳарлик мададкорларнинг олам-олам меҳнатлари, қалб қўрларию қайноқ шижоатлари бор.

А. УМАРОВ.
«Совет Ўзбекистони» мухбири.



Оқолтин районидаги Абдалин номли совхоз миришкорлари съездлар йилида она-Ватанга 6000 тоннадан ортиқ «оқ олтин» етказиб бериб, оширилган социалистик мажбуриятларини шараф билан бажардилар. Йиғим-теримда алоҳида ўрнак кўрсатган илғор бўлимлар, бригадаларнинг тажрибали механизаторларн муваффақиятга баракали улуш қўшишди. Суратда: [чапдан] совхоз бош агрономи М. Исаев, илғор бўлим бошқарувчиси А. Усмонов ва механизаторлар Қ. Сулаймонов, Т. Мўминовлар.

А. Тўраев фотоси.

АХБОРОТ

ЙИЛЛИК ПЛАН ТАЙЁР

«Узколхозстрой» бирлашмаси «Узколхозспецстрой» республика 1-трестининг Сариосиёдаги 12-колхозлараро ихтисослаштирилган механизациялашган кўчма колоннаси коллективи ўн биринчи беш йиллигининг тўртинчи йилида социалистик мусобақани авж олдириб, ёрдамчи пудрат ишлари бўйича йиллик планни муддатидан илгари бажарганликлари ҳақида рапорт бердилар. Бу даврда пландаги 1.300 минг сўмлик ўрнига 1.310 минг сўмлик ёрдамчи пудрат ишлари амалга оширилди.

Аҳамият бунёдкорлар ўз имкониятларини ҳисоблаб чиқиб, йил охиригача планга қўшимча равишда яна 200 минг сўмлик сантехника ва инженер-коммуникациялик ишларини амалга ошириш юзасидан юксак мажбурият қабул қилдилар.

А. ЗОКИРОВ.

ЎЗБЕК ТАОМЛАРИ БОЛГАРИЯДА

Москвадаги «Ўзбекистон» ресторанида бир группа болгариялик пазандалар тажриба ўрганишди. Улар ўзбек таомларини тайёрлаш, дастурхонга тортиш жараёнларини ўрганиб олдилар.

Софиянинг ошхона ва ресторанларида хўрандаларга энди ўзбек миллий таомлари ҳам тортилади.

С. КОСТИРКО.

СТУДЕНТЛАРГА СОВҒА

Чуст шаҳри педагогика билим юрти талабалари 91-механизациялашган кўчма колонна биноқорларидан ажойиб совға қабул қилиб олдилар. 400 ўринли тўрт қаватли ётоқхона, 960 ўринли ўқув корпуси, 400 ўринли клуб ва қишки спорт залларига эга бўлган муҳташам бу бинода студентлар билим оладилар. Бу қурилиш объектида бир миллион 300 минг сўмлик иш бажарилди. О. Зоҳидов, Х. Зенатуллин, Т. Аҳмедзянов бошчилигидаги қурувчи, монтажчи ва пардозловчилар тез ва соз ишлаб, объектни ўз вақтида фойдаланишга топширдилар. Бунёдкорлар талабалар учун яна 200 ўринли янги ошхона қурилишини ҳам бошлаб юбордилар.

М. ВАҚҚОСОВ.

ФРУНЗЕ

Қирғизистоннинг йирик қорамолчилик районларидан бири — Узган районида бузоқни сўқимга боқадиган юксак даражада механизациялашган хўжаликлараро комплекс ишга туширилди. У бир ярим минг бузоқни боқишга мўлжалланган. Индустриал технология бузоқларнинг ҳар суткада эт қўйишини 1 килограммгача етказишга, сўқимга боқиш муддатларини қисқартиришга имкон беради. Шундай қилиб республикада мол гўштини саноат усули билан етиштириш етакчи тармоқ бўлиб бормоқда.

МОСКВА

Москвадаги болалар китоби фабрикасининг ярқироқ устунлари бағоят жозибали. Аммо улар сиртдан жозибасиз қоғоздан тикилган. Ҳолбуки, ҳозирги замонавий полиграфия техникаси ёрдамида болаларнинг ҳар бир саҳифасини ранг-баранг, ёрқин қилиб чиқариш мумкин. Бу ҳақда «Детская книга» издательствосининг директори Ю. Ефимов ҳам, Москва Ленин комсомоли номидаги полиграфия комбинатининг директори Ю. Ефрем